Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 21-avgust, payshanba, **33 (561)-son**

e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**



# «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

## Ўзаро муносабатларнинг янги босқичи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида 20 август куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди**

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Ли Кэцян ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришга тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

2 ►►



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# Истиқлол ва ислоҳотлар, мустақиллик ва мулкдорлар

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши видеоконференция тарзида ўтказилди. Барча вилоятлардаги ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, БПТлар етакчилари, тадбиркор ва фермерлар он-лайн алоқа орқали иштирок этган мазкур мулоқотда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб белгиланган вазифалар жойларда қандай бажарилаётгани атрофлича таҳлил қилинди**

Етти юз элликдан зиёд киши қатнашган тадбирда алоҳида таъкидланганидек, истиқлол туфайли мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга оширишга имкон туғилди. Бу борадаги янгиланишлар эса юртимизда мулкдорлар қатлами шаклланишига шароит яратди. Ўрта синфнинг вужудга келиши, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалайдиган сиёсий кучнинг майдонга чиқишига замин ҳозирлади. Шу маънода, ушбу видеоконференция ташкилотчиси бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини ҳам, унинг фаол иштирокчилари бўлган мулкдорларни ҳам мустақиллик меваси, десак муболаға қилмаймиз.

3 ►►

# ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ МАҲСУЛИ

**XXIII**
**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

Собиқ иттифоқ даврида жамиятни сунъий тарзда турли синфларга ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хусусий мулкни йўқотиш ғояси амалиётга татбиқ этилгани ҳеч кимга сир эмас. Сиёсий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилган бу ғоя аҳолининг мулкка эга бўлиши билан боғлиқ табиий ва ижтимоий эҳтиёжларига зид бўлиб, жамиятда мулкдорларга нисбатан зарарли қатлам сифатида қарашни шакллантирди. «Мулк ҳамманики, айни пайтда ҳеч кимники» деган ақида одамлар онгига сингдирилди. Натижада эгасизлик ҳолати юзага келди.

Ана шундай бир пайтда, яъни Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган кезларда республикамизда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштириш, ижарага бериш жараёни бошланди. Энг муҳими, мулк дахлсиз эканлигининг ҳуқуқий замини мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг самарали ривожланиши ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик шаклларини ташкил этишга рухсат берилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2 миллиондан ортиқ оила учун 700 минг гектар суғориладиган ерни томорқа учун ажратиш тўғрисида қарор қабул қилгани Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантириш борасидаги илк тарихий қадам сифатида баҳоланиши керак. Зеро, мазкур қарор халқимизнинг мулкка эгалик ҳиссини қайта уйғотишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ушбу саъй-ҳаракатларга орадан 23 йил ўтгач баҳо бериш осон, албатта. Аммо ўша пайтда бундай ишга қўл уриш ўта жасоратли ва ҳақиқий ватанпарвар одамнинггина қўлидан келарди.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳунармандлик қадим замонлардан буён аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган анъана бўлиб, у ўзининг мустаҳкам илдизларига эгадир.

3 ►►

# Маҳсулот етиштирувчи ҳам, уни қайта ишловчи ҳам фермер

**Айни пайтда мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик тантаналари арафасида турибмиз. Аслида бу тарих учун унчалик катта муддат бўлмаса-да, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар асрларга татигуликдир. Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани бежиз эмас, албатта. Айниқса, иқтисодиётимиз таянчига айланган тадбиркорлик ва фермерлик соҳасини босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, юрт равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.**

2 ►►

## Янги қулайликлар яратган қарор

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори O`zLiDeP электорати — тадбиркорлар ва ишбилармонларга қўшимча қулайликлар яратгани билан ҳам аҳамиятлидир.**

Маълумки, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хорижий инвестицияларни, жумладан, чет эллик ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри сармояларини жалб қилиш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадини кўпайтириш — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Юртбошимиз томонидан 2014 йил 3 июлда имзоланган 2200-сонли мазкур қарор айни йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш имконини берадиган ҳужжат, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.

3 ►►

## Тинчлик — энг катта бойлик

**Азиз ва муқаддас байрамимиз — Мустақилликнинг 23 йиллиги остонасида туриб, босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, бу йўл гулларга бурканган текис, равон йўл эмас, балки жиддий синов ва машаққатли курашлардан иборат бўлганлигига яна бир карра иймон келтирамиз. Эришилган бахтни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш эса ҳаммасидан муҳимроқдир. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ирқи, дини, миллатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари дахлсиздир. Бу эса юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилаётганлиги шак-шубҳасиз.**

4 ►►

# Партия нуфузини етук кадрлар белгилайди

**Мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини билиш, энг муҳими, замондош онгига сингдириш бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан биридир. Шу маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илмий-тарихий, мантиқий-қонуний замини ва омилларини чуқур англаш сиёсий партиялар фаолларидан дадил ҳаракатларни талаб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида бу ишнинг нечоғли зарурлигини таъкидлаш изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқатдир.**

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистоннинг катта суръатлар билан барқарор ривожланишида мустаҳкам пойдевор бўлганига эътибор қаратилгани ҳар қандай жараённинг муваффақияти кадрларга бориб тақалишининг яна бир тасдиғи, десак адашмаймиз.

Бошқа соҳалар қатори партиявий фаолият самарадорлигини ҳам етук кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, партиямизнинг халқ орасидаги нуфузини янада ошириш учун бор имкониятларни ишга солмоғимиз, депутатларимиз ҳамкорлигида бошланғич ташкилотлар фаолиятини кескин кучайтиришимиз шарт.

6 ►►

## Келажакка сармоя

**O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида Олмалиқ шаҳрида ўтказилган тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилган ислоҳотлар, жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг самаралари тўғрисида сўз юритилди.**

**— Истиқлол кўп қатори менга ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини берди, — дейди O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Янгийўл туман кенгаши депутати Мамлакат Ибрагимова. — Корхонамиз 20 йил аввал ташкил этилган бўлса, шундан бери бизга солиқ, божхона ва бошқа тўловлардан қанча-қанча имтиёзлар берилди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўяман, деган ишбилармонларга ер-жой, тайёр иморатлар, ҳатто ҳайҳотдек бинолар инвестиция киритиш шарти билан текинга берилаяпти. Ахир шу эмасми, мамлакатда тадбиркорга истиқлол берган имконият?!**

8 ►►

Бугунги сонда:

3 **Бунёдкорлик** Тадорик ва тараддуд

4 **Муносабат** Кечаги битирувчининг бугун хусусий корхонаси бор

5 **Қуйи бўғинларда** БПТ мурожаати мутасаддиларни ҳаракатга келтирди

6 **Жараён** Тадбиркорнинг келишини кутиб ўтирганимиз йўқ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2014** йил **19** августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2184,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3921,91 |
| 1 Дания кронаси | 421,32 |
| 1 БАА дирҳами | 638,36 |
| 1 АҚШ доллари | 2344,38 |
| 1 Миср фунти | 327,89 |
| 1 Исландия кронаси | 20,31 |
| 1 Канада доллари | 2155,16 |
| 1 Хитой юани | 381,47 |
| 1 Россия рубли | 65,12 |
| 1 Украина гривнаси | 178,48 |
| 1 Малайзия ринггити | 743,66 |
| 1 Польша злотийси | 748,55 |
| 1 СДР | 3584,67 |
| 1 Туркия лираси | 1081,75 |
| 1 Швейцария франки | 2597,07 |
| 1 ЕВРО | 3168,15 |
| 10 Жанубий Корея вони | 23,04 |
| 10 Япония иенаси | 229,26 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«XXI ASR» 2014-yil 21-avgust, payshanba, 33 (561)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

# Ўзаро муносабатларнинг янги босқичи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди.

Хитой марказидаги мазкур шаҳарнинг тарихи 3000 йилдан ошади. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақомини эгаллаган.

Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теграсида кўплаб қадимий мақбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг терракота армияси билан бирга дафн қилинган мақбараси бор.

Президент Ислом Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва қурол-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намоён этади. Улар 1974 йилги қазилма ишлари даврида эрамиздан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг мақбараси атрофидан топилган. 1987 йилда терракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди – Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий калити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур хандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалъалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншооти бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларидир. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий аслаҳалари, катта миқдордаги жангчилар бемалол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуклари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислом Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақли равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби – Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэнюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди.

Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилишида ва Президент Ислом Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривожи учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

***Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.***

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Пекин – Сиань – Тошкент.**

# Маҳсулот етиштирувчи ҳам, уни қайта ишловчи ҳам фермер

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



**Фахриддин КОМИЛОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

Албатта, бунда давлатимиз раҳбарининг қатор ташаббуслари ижроси ҳал қилувчи омилга айланди. Хусусан, Президентимизнинг 1989 йилда, яъни собиқ иттифоқ давридаёқ қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг даромадларини ошириш ва мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида томорқа бериш тўғрисидаги қарорини эслашнинг ўзи кифоя. Бу жараён ерни эгасига бериш ва маҳсулотларни кўпайтиришга йўналтирилган илк қадам сифатида тарих зарварақларига муҳрланди.

Узоқни ўйлаб амалга оширилган бундай саъй-ҳаракатлар туфайли 1,5 млн. оила томорқа участкаларини кенгайтириш, 500 мингдан ортиқ оила эса томорқа ери олиш имкониятига эга бўлди. Бинобарин, жами 2 миллиондан ортиқ оила, яъни ўртача 10 млн.дан зиёд қишлоқ аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий муаммоси ижобий ҳал этилгани таҳсинга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ислоҳотлар истиқлолга эришганимиздан сўнг янги босқичга кўтарилди. Уларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланиб, замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Чунончи, аграр соҳани тартибга солувчи Ер кодекси ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатлар амалиётга жорий этилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Пировардида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асос шакллантирилди.

Айни чоғда тегишли қонунчилик ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, соҳага оид ҳужжатларда фермер хўжаликларини кўп тармоқларда фаолият олиб боришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 20 январида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ, фаолият йўналишларини мустақил равишда белгилаши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳар қандай тури билан, шунингдек, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эканлигига доир норма билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, ушбу моддага фермер хўжаликларига саноат ишлаб чиқаришига рухсат берувчи норма ҳам киритилди. Мақсад қишлоқларимизга минитехнологиялар асосида саноат корхоналарини кириб боришини таъминлашдир. Натижада фермерлар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи сифатида, балки ўз маҳсулотларини саноат асосида қайта ишловчи корхоналар сирасига кириши, янги иш ўринлари барпо этишига замин ҳозирлади. Рақамларга мурожаат қилсак, бугун республикамиз бўйича 73 мингдан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлса, уларнинг қарийб 36 мингдан ортиғи кўп тармоқли эканлиги ойдинлашади.

Солиқ кодексининг 367-моддасида фермер хўжаликлари томонидан сув истеъмолида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилганларга имтиёз берилди. Унга кўра, бундай ноёб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахслар, беш йил муддатга ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинди. Мақсад аён: яъни, тобора ўткир, глобал муаммога айланиб бораётган сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Фермерлар кенгаши ҳам сиёсий майдонда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида O`zLiDePнинг ташаббускор гуруҳи томонидан сайлов қонунчилигига Фермерлар кенгашлари раисларини халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлигига номзоди кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 22-моддасига қўшимча киритилди.

Унга кўра депутатликка номзодлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётининг ривожланишида фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган фуқаролар орасидан кўрсатилиши қонун нормаси билан мустаҳкамланди. Бундан асосий мақсад – Фермерлар кенгашларининг қишлоқ мулкдорлари манфаатларини ҳимоя этишдаги ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, мамлакатнинг аграр комплексини тараққий эттириш, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурларни амалга оширишда бевосита иштирокини таъминлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ушбу норма 2014 йилнинг 20 январидан амалиётга жорий этилди.

Умуман олганда, мамлакатимиз аграр секторида мустақиллик йилларида амалга оширилган чуқур ислоҳотлар натижасида 2013 йилга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8, деҳқончилик 6,4, чорвачилик эса 7,4 фоизга ўсди.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқдаги етакчи кучга айланган фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш, янги иш ўринлари очиш, ерга эгалик ҳиссини янада кучайтириш ва халқ фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

## O`zLiDeP фаоли кўрик-танлов ғолиби

**Қашқадарё вилоятининг сўлим масканларидан бири — «Лочин» оромгоҳида «Юрт келажаги-2014» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Кувонарлиси, олти юздан зиёд иштирокчидан саралаб олинган 48 нафар ғолиб орасида O`zLiDeP фаоли Моҳигул Шукурова ҳам бор.**

«Рационализаторлик таклифлари» йўналишида муваффақият қозонган Моҳигул ҳали талаба бўлса-да, КДУнинг зоология кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Жўра Бердиев раҳбарлигида олиб борилган илмий изланишлар давомида олма мевахўрига қарши самарали усулни қўллашни таклиф қилди. У татбиқ қилаётган сепаратор тутқич-мослама оддий тўр сеткадан иборат бўлиб, бўйи 20, эни 10 сантиметрни ташкил қилади. Чиқинди тўрлардан ясалган мослама олма мевахўрининг ғумбакка кетиш олдидан жой ахтарганида бошпана вазифасини ўтайди. Ғумбакдан чиққан капалак эса тўрдан қайтиб чиқолмай нобуд бўлади.

Эътиборли томони шундаки, Моҳигулнинг рационализаторлик таклифи Деҳқонобод туманидаги Оқработ қишлоғи ҳудудида экилган олмазорларда синаб кўрилиб, юқори сифатли мўл ҳосил олишда қўл келди.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

# Парламент комиссияси йиғилиши

**Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Унда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, жумладан, баркамол авлодни вояга етказишда ННТлар томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир ёш авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Бу борада айниқса нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасалари билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир. Жорий йил бошидан шундай ташкилотларнинг ижтимоий шериклиги даги 10 дан ортиқ лойиҳаси 1,2 млрд. сўмлик давлат буюртмаси сифатида қўллаб-қувватлангани фикримиз далилидир. Айни вақтда 70 га яқин ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1 млрд. сўмдан ортиқ миқдорида давлат грантлари шаклидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқдалар. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиққан ҳолда Парламент комиссияси томонидан 40 дан ортиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда.

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган тадбир якунида мутасаддилар журналистлар саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

# Адолат ая 103 ёшда

**Нуроний инсонлар ҳурматини жойига қўйиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган одилона ва оқилона сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади**



Куни кеча пойтахтимиздаги «Сузук ота» маҳалласида бўлиб ўтган тантанада юқоридаги фикрлар қайта-қайта тилга олинди. Боиси шундаки, айни шу маҳаллада умргузаронлик қилаётган Адолат ая Абдусаломова табаррук 103 ёшга тўлди. Қутлуғ сана билан онахонни қутлаш учун O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев бошчилигида бир гуруҳ партия фаоллари ташриф буюришди. Зеро, Адолат аянинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам партиямиз аъзоларидир.

— Қирқ йилдан зиёд Шайхонтоҳур туманидаги 95-мактабда ёшларга сабоқ бердим, — дейди 26 невара, 56 чевара ва 20 эваранинг меҳрибон момоси. — Турмуш ўртоғим Маткарим Абдусаломов 1953 йилда вафот этганидан кейин барча масъулият менинг зиммамга тушди. Ҳалол меҳнат эвазига фарзандларимнинг барчасини олий маълумотли қилиб вояга етказдим. Ўша йиллари не-не қийинчилик ва машаққатларни кўрмадим дейсиз. Бугун ана шу оғир меҳнатнинг роҳатини кўриб ўтирибман. Ўзбекистон мустақилликка эришган ва гуллаб-яшнаётган кунларни кўриш насиб қилганига шукр.

Тадбир якунида Адолат аяга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

***Суратда: А.Абдусаломова (ўртада) қизлари билан.***

Солиҳ ЗОИР олган сурат.

# Қонун тадбиркорнинг вақтини ва маблағини тежайди



**Равшан АСКАРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

**Ҳадемай мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган тарихан қисқа даврда барча соҳаларда улкан натижаларга эришилгани ҳеч кимга сир эмас.**

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишини олиб кўрайлик. Иқтисодиётнинг локомотивига айланиб бораётган мазкур соҳа ҳақида гап кетганда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2002 йилги 35,5 фоиздан ҳозирга келиб 55,8 фоизга ўсганини алоҳида эътироф этиш лозим. Умуман, сўнгги 10 йил ичида кичик корхоналар сони 2 мартага кўпайгани, аҳолининг 76 фоизи айнан тадбиркорлик билан банд эканлиги таҳсинга сазовордир.

Иқтисодиётни унинг ҳуқуқий базаси, яъни мавжуд қонунларни такомиллаштирмасдан туриб, юқори натижага эришиб бўлмайди. Шу маънода кейинги йилларда кичик бизнес йўлига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилаётир. Зеро, Конституциямизда ҳам ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиши, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларда ги мулкчилик ташкил этиши, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги кафолатланган.

2012 йил 20 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам республикамизда рухсат бериш тизимининг асосий принциплари ва қоидаларини мустаҳкамлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги муҳим ҳужжат эканлигини таъкидлаш жоиз. Қонуннинг асосий янгиликларидан бири рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши принципини жорий этишдан иборат эканлигидадир.

«Бир дарча» тамойилини жорий этишнинг кўплаб афзалликлари бор. Давлат хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш даражасини, фуқаролар ва ташкилотларнинг хизматлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ҳақида хабардорлигини ошириш, бундай хизматларни кўрсатиш муддатларини қисқартириш шулар жумласидандир. Масалан, «бир дарча» технологиясидан фойдаланишда ариза берувчидан идоралараро ахборот алмашинуви жараёни сир тутилади. Ариза берувчи ўзи ҳақида бир идорадан иккинчисига ахборот тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади. Бу принцип муайян хизмат мутахассисига ҳужжатлар минимал тўпламини бир марта топшириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда зарур ҳужжатлар рўйхати белгиланиб, қонун ва тегишли низомларда кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Ҳужжатлар бевосита почта орқали ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида юборувчини хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Яъни, маълум ҳаракатлар ёки муайян фаолиятни амалга оширишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган.

Шу ўринда рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимидаги ислоҳотлар янги корхоналар сафини кенгайтириш, иш ўринлари яратиш, солиқ тушумларини ошириш, кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтиришдек аниқ иқтисодий-ижтимоий самарага эришилишини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу эса рухсат беришнинг барча турларини, хусусан лицензиялаш, сертификациялаш, экологик экспертизадан ўтказиш каби энг муҳим рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатлар мажмуини қамраб олмоқда.

Бундан ташқари, қонун рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжат, унга доир талаблар ва шартлар, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили каби тушунчаларга аниқ, равшан, тушунарли таърифларни беради.

Соддароқ қилиб айтганда, бу қонун тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномаларнинг қатъий рўйхатини белгилашни кўзда тутади. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши хусусий сектор вакилларига нафақат вақтни, балки маблағларни тежаш, уларни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналар ва қўшимча иш ўринлари ташкил этишга йўналтириш имконини беради.

# Истиқлол ва ислоҳотлар, мустақиллик ва мулкдорлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



– Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз томонидан илгари сурилган янги давлат ва янги жамият қуришнинг асоси ҳисобланган машҳур беш тамойилга таянган ҳолда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётимизга изчил татбиқ этилмоқда, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. — Ўтган йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси яратилиб, кўппартиявийлик тизими қарор топди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам изчил ислоҳотлар олиб бориляпти.

Бу жараён эса 220 мингдан зиёд аъзоси бўлган O`zLiDeP зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди, албатта. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарори қабул қилингандан буён ўтган давр ичида барча бўғиндаги партия тузилмалари томонидан жами 800 дан ортиқ тадбир ўтказилганини кўришимиз мумкин. Давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, амалий учрашувлар шаклидаги ана шу тадбирларда Ўзбекистоннинг йигирма уч йиллик мустақил ривожланиш даври чуқур таҳлил қилинаркан, «ўзбек модели» асосида тизимли равишда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатлари мужассам экани яна бир бор эътироф этилди. O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган вазифалар қай даражада бажарилаётгани, партиянинг устувор мақсадларини рўёбга чиқаришда сиёсий технологиялар, жамоатчилик назорати механизмларидан нечоғли фойдаланилаётгани кўп минг сонли электорат вакиллари билан биргаликда муҳокама қилинди.

Шу нуқтаи назардан видеоконференцияда Президент қароридан келиб чиқиб, аниқ режа асосида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан партия фаоллари зиммасидаги масъулиятни янада ошириш масаласи кўриб чиқилди. Бунда, энг аввало, ушбу дастуриламал ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратилди. Йиғилиш қатнашчилари бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида Ижроия қўмита ва ҳар бир ҳудудий ташкилот ҳузурида партия фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, олим ва адиблар, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлардан иборат тарғибот гуруҳлари ишини янада жонлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини билдирдилар.

— Мустақиллик йилларида партия электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратилгани натижасида мазкур тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши ортиб, жамиятдаги роли ва таъсири тобора кучайиб бораётгани диққатимизни тортади, — деди O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Тожиев. – Зеро, айнан ўрта синф мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши ва барқарор ривожланишидан кўпроқ манфаатдор экани, хусусий тадбиркорлик жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таянчи, мамлакат тараққиёти йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Мулоқот иштирокчилари қайд этганидек, пойтахтда бошланган тарғибот тадбирлари ҳудудлар кесимида изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятида шу кунгача 62 та давра суҳбати ва амалий учрашув ташкил этилиб, улар орқали 3600 дан зиёд тадбиркору фермерлар, ёшлар ва хотин-қизлар қамраб олинди. Когон, Жондор ва Вобкент туманларида бу борадаги ишлар айниқса юксак савияда уюштирилаётгани эътиборга моликдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсуновнинг фикрича, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» давлат ва жамият ривожини мутлақо янги босқичда давом эттиришга қаратилган муҳим дастур бўлганини бугун нафақат халқимиз, балки нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Шу маънода, парламент қуйи палатаси депутатларининг бир вақтнинг ўзида барча вилоятлардаги партия фаоллари, БПТлар етакчилари, энг муҳими, электорат вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиши яқин тарихимизда эришилган натижаларни чуқурроқ таҳлил қилиш имконини берди, десак муболаға бўлмайди.

Тадбирда сиёсий партиялар олдида турган муҳим имтиҳон – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, унга тайёргарлик жараёнида 52 мингга яқин партия фаоллари рўйхати шакллантирилган. 9 мингга яқин кузатувчи, 9 мингдан ортиқ ваколатли вакил, 34 мингдан зиёд ишончли ваколиликка номзод танлаб олинган.

Жойларда мавжуд муаммоларни ўрганиш бўйича тегишли эксперт гуруҳлари ишини ташкил этиш ва партиянинг устувор вазифаларини тўлиқ бажаришнинг механизмларини янада такомиллаштириш, демократик бозор ислоҳотлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш лозимлигига урғу берилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда қатнашувчи партия кузатувчилари ва овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этувчи ваколатли вакиллар учун амалий семинар-тренинглар ўтказиш зарурлиги, O`zLiDeРдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига кўрсатиладиган номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ташкилий-ғоявий, ахборот ва услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш учун қатор йўриқнома ва қўлланмалар тайёрланаётгани қайд этилди.

Ўзаро фикр алмашув ва қизғин мулоқот тарзида ўтган видеоконференцияни кузатар эканмиз, кун тартибидаги масалалар юзасидан Ватанимизнинг турли ҳудудларидан билдирилган асосли мулоҳазалар ягона нуқтага келиб бирлашганига амин бўлдик. У ҳам бўлса, истиқлол ва ислоҳотларни, мустақиллик ва мулкдорларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмаслигини партия электорати чуқур англаб етганидир. Бу борада эса O`zLiDeP амалга ошираётган лойиҳаларнинг ўзига хос ҳиссаси ва ўрни бор. Галдаги вазифа ана шу йўналишдаги тарғибот тадбирлари орқали нафақат вилоятлар ва туманлар марказлари, балки чекка-чекка қишлоқларга дадил кириб боришдан, уларнинг ишончига сазовор бўлишдан иборат. Шундагина энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб кутиб олиш баробарида йил охиридаги сиёсий имтиҳонга пухта тадорик кўрган бўламиз.

# ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ МАҲСУЛИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**XXIII**
**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

Бунинг учун соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир» деган сўзларини ёдга олишнинг ўзи кифоя.

Мустақиллик йилларида яратилган қулай шароит, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси айнан ана шундай шахсларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун замин яратди.

Мисол учун, фақатгина 2014 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 25,5 миллиард сўмлик 86 давлат активи сотилди. Фойдаланилмаётган 19,4 мингта давлат мулки объекти ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан хусусий секторга 4,8 триллион сўм миқдорида, жумладан, 1 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг 79 миллион долларлик кредит линиялари ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, бизнес субъектларининг жорий йил биринчи ярмида биржа савдолари орқали сотган маҳсулотлари ҳажми 1,9 баробар ошди. Электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми эса 189,9 миллиард сўмни ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 97 фоизини ташкил этди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 14,3 мингга яқин янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди.

Бизнесни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирганда, энг аввало, уларнинг эркин фаолият юритиши учун яратилган ҳуқуқий асосларга алоҳида тўхталиш жоиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган бир қатор қонун ва бошқа ҳужжатлар ушбу соҳа тараққиётида муҳим омил вазифасини ўтаган бўлса, сўнгги йилларда амалиётга татбиқ этилган фармон ва қарорлар том маънода ўрта қатламнинг шаклланишини таъминлади.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида амалга оширилаётган ишлар мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб келаяпти, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу дастурий ҳужжат асосида қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Фақат 2005 йилдан бугунги кунгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблағдан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 15 фоиздан 5 фоизга туширилгани, халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объектлари эса умуман солиққа тортилмаётгани ҳам узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина давлатларда солиқ ставкалари оширилган бир пайтда бизда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилди. Харидоргир истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 5-7 йилга солиқ тўловидан озод қилинди. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаб, уни модернизация қиладиган корхоналар эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилинди.

2012 йил 1 августдан бошлаб бизнесни рўйхатга олиш пайтидаги тартиб-қоидалар сони 2 баробарга қисқартирилди. Рўйхатдан ўтишдан аввал бирламчи устав жамғармасини шакллантириш бўйича талаб бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни тубдан камайтириш мақсадида рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилиниб, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар камайтирилди. 2013 йил 1 январидан 65 та статистик ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилиниб, уларни топшириш даврийлиги 2 баробар қисқартирилди.

Натижада жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда таваккалчилик ва зиддиятлар кучайиб бораётганига қарамасдан, 2014 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ортди ва бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 55,8 фоизга етди. Умумий бандликдаги ҳиссаси эса 75 фоизни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Буларнинг барига осонликча эришилаётгани йўқ, албатта.

Ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, Ватанимиз иқтисодиёти йигирма уч йил давомида 4,1 баробардан зиёд ўсганлиги, аҳоли сони қарийб 10 миллион кишидан зиёд кўпайиб, 30 миллиондан ошганлигини инобатга олсак, ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ортгани аён бўлади ва бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ер ва мулк инсоният учун доимо таянч ва суянч, инсон учун эса Ватаннинг ажралмас бир бўлагидир. Ўзбекистон шу маънода ҳам бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, уни асраб-авайлаш, озод ва обод диёрга айлантириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳар биримиз учун Ватанимизнинг қадр-қиммати, ислоҳотларнинг инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганининг мазмун-моҳияти, амалга оширилаётган улкан бунёдкорликнинг аҳамияти ҳам ана шунда.

**Соатмурод КУЛМИРЗАЕВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими.

## Тадорик ва тараддуд

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, O`zLiDeP Жондор туман кенгаши ва бир гуруҳ БПТлар саъй-ҳаракати билан «Мирзаён» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Шабнам» тантаналар масканида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севгим ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Аёллари эъзозланган юрт» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Иштирокчилар ҳузурида сўзга чиққан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси М.Ҳамидова, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Б.Каримов, O`zLiDeP туман кенгаши раиси Р.Раҳимова ва бошқалар истиқлол йилларида юртимиз аёллари учун яратиб берилган катта имкониятлар, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар уларни янада изчил фаолият кўрсатишга даъват этаётганини таъкидлаб, ҳудудда иқтисодий ислоҳотларнинг кенг қулоч ёйишида фаол аёлларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этдилар.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва бошқа бир қатор устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда туман тадбиркорларининг 1500 нафари, фермерларнинг эса 6 нафарини айнан хотин-қизлар ташкил этаяпти. Шу ўринда ҳозирги пайтда туманда жами 1700 нафар партия аъзосини ўз сафига жипслаштирган 45 та БПТ фаолият кўрсатаётганини қайд этиш жоиз.

Ушбу мавзудаги давра суҳбатлари, шунингдек, O`zLiDePнинг Қоракўл, Бухоро, Ромитан, Когон туман кенгашлари ва уларнинг қуйи бўғинлари томонидан ҳам ўтказилди. Масалан, Когон саноат-транспорт коллежида «Улуғбек», «Зиёкор», «Арабхона» МФЙ ва партия фаоллари, талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган тадбирда O`zLiDeP фаоллари истиқлол шарофати туфайли хотин-қизлар турмуш шароитида туб ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, ҳудудий дастурларни амалга оширишда уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги, айниқса, тадбиркор ва ҳунарманд аёллар учун яратиб берилган имтиёз ва енгилликлар янада унумли ишлашга ундаётганини қайд этдилар.

**Асхор ИСТАМОВ.**

# Янги қулайликлар яратган қарор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Қарорга биноан, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиблари янада соддалаштирилди. Масалан, давлат активларини «ноль» қийматда оммавий савдолар орқали сотишни амалга ошириш ҳақидаги эълонларни ушбу тадбир ўтказилишидан илгаридек икки ой олдин эмас, балки 30 кун аввал чоп этиш мумкин бўлди. Шунингдек, ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга 6 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, улар қўйилган нархни қадам-бақадам (ойига 10 фоиз) пасайтириб бориш механизми қўлланилган ҳолда сотилиши белгиланди. Мулклар уларга қўйилган баҳо дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизгача (бундан паст нархда сотиш мумкин эмас) пасайтирилганидан сўнг яна 3 ой давомида ўз эгасини топмаса, объектлар инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан «ноль» қийматда сотилади. Давлат активларининг олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой давомида инвестор харид тўловларини тўлаган тақдирда, унга Марказий банкнинг қайта молиялаш йиллик ставкаси миқдорида чегирма берилади.

Ушбу ҳужжатда давлат мулки объектларини танлов савдолари орқали инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан «ноль» қийматда берилиши натижасида яратилган янги иш ўринларини бажарилган инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган санадан эътиборан бир йил мобайнида сақлаб қолиш қайд этилган. Эътиборлиси, тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда кўмаклашиш мақсадида мазкур қарорга мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида кичик саноат зоналари барпо этиш белгиланди.

— Бунинг учун тадбиркорларга амалга ошириладиган лойиҳага қараб ҳар бири 0,2-0,3 гектардан иборат 57 та, жами 305,7 гектар ер майдони ажратиладиган бўлди, — дейди Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Сайфитдин Гафаров. — Ана шу кичик саноат зоналарини зарур коммуникациялар билан таъминлаш ҳамда инфратузилмаларни барпо этиш давлат томонидан амалга оширилади. Хусусан, бу жараёнга «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК ва маҳаллий бошқарув органлари жалб этилади.

Ўз навбатида 2200-сонли қарор билан фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган, яроқсиз ҳолга келиб қолгани боис бузиб ташланадиган, аммо коммуникациялари мавжуд бўлган 229 та объектнинг рўйхати, шунингдек, фойдаланилмаётган, бироқ 2014 йилда кимошди савдолари орқали сотилиши кутилаётган 64 та объектнинг рўйхати тасдиқланганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

С.Гафаровнинг таъкидлашича, қарорнинг 3-иловасига мувофиқ, 164 млрд. 100 млн. сўм миқдоридаги инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва 4 256 та янги иш ўрни яратиш шарти билан жорий йилда «ноль» харид қийматида сотилиши лозим бўлган 121 та объектнинг рўйхати тасдиқланган.

Хулоса ўрнида тадбиркорларга ўз бизнесини юритиш учун қулай шароитларни яратиш борасидаги ишлар давом эттирилаётганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, маълумотларга кўра, айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг давлат активларидан унумли фойдаланишни таъминлашга қаратилган қарори тайёрланмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг юқорилигидан далолатдир.

## Она ер саховати



Андижон вилоятининг 2 та шаҳри ва 14 та туманида истиқлолнинг 23 йиллиги муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Она ер саховати» савдо ярмаркалари ташкил этилди. Мазкур савдо ярмаркаларида 30 хилдаги озиқ-овқат, полиз ва сабзавот, балиқ, гўшт маҳсулотлари аҳолига бозор нархидан 30 фоиз арзон баҳоларда сотиляпти.

— Деҳқон ва фермерларимизга катта раҳмат, — дейди Андижон шаҳрида яшовчи Нигора Умаралиева. — Бизга ярмаркалардаги маҳсулотларнинг арзонлиги билан бирга сифати ҳам манзур бўлди.

Таъкидлаш жоизки, савдо ярмаркасига ҳамоҳанг тарзда жойларда бадиий-ҳаваскорлик дасталари томонидан ташкил этилаётган концерт дастурлари, дорбозларнинг чиқишлари ва гуллар байрами катта шодиёна арафасида аҳолига кўтаринки кайфият бағишламоқда.

**А.МУСУРМОНОВ.**

# Тинчлик — энг катта бойлик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»

Асл ҳақиқат қиёслашда билинади. Кейинги йилларда барча соҳада эришилган оламшумул ютуқлар ҳақида сўз бораркан, беихтиёр «Ким эдигу ким бўлдик?» деган савол ҳаёлимиздан ўтади. Чиндан ҳам собиқ шўро тузуми даврида миллий ғурури, қадриятлари топталган, моддий ва маънавий бойликларидан мосуво этилган халқимиз тарихан қисқа даврда ўз қаддини тиклаб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бу, шубҳасиз, Юртбошимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсатнинг юксак самарасидир. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни қарор топтириш, мулкий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларда ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларини шакллантириш диққат марказида бўлди. Тўғри, дунёда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тайёр андозаси йўқ. Шу боис юртимизда тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос шакли — «ўзбек модели» ишлаб чиқилдики, унинг моҳиятида ислоҳотларни ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, босқичма-босқич амалга оширишдек эзгу мақсад мужассам.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда диёримизда 136 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилишмоқда. Улар таъбир жоиз бўлса, бир оиланинг аҳил фарзандларидир. Миллатлараро дўстлик ва тотувлик эса обод, фаровон жамиятни барпо этиш йўлида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритиларкан, гап яна ўз-ўзидан тинчлик ва осойишталикка бориб тақалади. Ажабланадиган жойи йўқ. Зеро тинчлик энг катта бойлигимиздир. Унинг қадр-қимматини бошқа бирор нарса билан қиёслаб бўлмайди. Кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз ҳар гал дуога қўл очишаркан, «Илоҳим, тинчлик-хотиржамликни берсин, мустақил юртимизга кўз тегмасин», дея алқашлари бежиз эмас. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Бошқача айтганда, тотувлик, осудалик барқарор бўлган жамиятдагина тараққиёт жадаллашиб, турмуш фаровонлиги юксалади, эзгу мақсад ва режалар тўла рўёбга чиқади. Ҳар тонг уйқудан кўз очарканмиз, осмонимиз мусаффолигини, рўзғоримиз бут ва файзиёблигини кўриб, дил-дилдан қувонишимиз, Яратганга қайта-қайта шукрона келтиришимиз ҳам шундан.

*Кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз ҳар гал дуога қўл очишаркан, «Илоҳим, тинчлик-хотиржамликни берсин, мустақил юртимизга кўз тегмасин», дея алқашлари бежиз эмас. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Бошқача айтганда, тотувлик, осудалик барқарор бўлган жамиятдагина тараққиёт жадаллашиб, турмуш фаровонлиги юксалади, эзгу мақсад ва режалар тўла рўёбга чиқади.*

Жаҳоннинг турли ҳудудларида ўзаро урушлар, ички низо ва хунрезликлар давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда тинч меҳнат қилиш, осойишта яшаш учун юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ҳар биримизга чексиз ғурур бағишлайди, албатта. Бу ҳам бўлса, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон, унинг манфаатлари учун, деган тамойил қоғозда эмас, амалда ўз исботини топаётганидан яққол далолатдир. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир».

Дарҳақиқат, шундай. Тинчлик барқарор бўлган юртга тўйлар, байрамлар ярашади. Эртасидан кўнгли тўқ, бағри бутун элнинг турмуши эса серфайз ва тароватли бўлиши муқаррар. Шундай экан, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраш, уни ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланиши лозим. Тинчлик ва миллатлараро тотувлик туфайли ризқ-насибамиз бутун, дастурхонимиз обод. Қўлимизни қаёққа узатсак етади. Лекин бу тўқликка шўхлик қилиш керак, дегани эмас. Чунки бугунги маъмурчилик кунларига осонликча эришилгани йўқ. Ҳали-ҳали эсимизда: 90-йилларнинг бошларида республикамизда озиқ-овқат тақчиллиги юзага келиб, аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш жиддий муаммога айланган эди. Биз тенги авлод вакиллари ўшанда нон дўконлари олдида соатлаб навбатда турганларни кўрганмиз. Пахта яккаҳокимлигига асосланган мустабид тузум табиий захираларга бой, юксак маънавиятли, замини ҳосилдор ўлкани ана шундай қисматга дучор қилган эди.

Шукрки, давлатимиз раҳбарининг доно сиёсати туфайли ижтимоий адолат қарор топиб, муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топа бошлади. Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб автомобилсозлик саноатига асос солинди. Ғалла мустақиллигига эришилганлиги ҳам халқимизнинг бахтидир. Эндиликда Ўзбекистон ички талаб-эҳтиёжларидан орттириб, жаҳондаги дон, автомобиль экспорт қилувчи давлатлардан бирига айланганлиги айни ҳақиқат.

Бу маълум гапларни такрор тилга олишдан мақсад нима? Яқинда ишга кетаётиб, йўл бўйидаги автосалон олдидаги одамларга кўзимиз тушди. Суриштириб билсак, улар ўзимизнинг «Ласетти», «Нексия» русумли янги автомобилларимизни сотиб олиш учун келган харидорлар экан. Ҳайрон бўлмадик. Чиндан-да бир пайтлар нон учун «навбат»да турган юртдошларимизнинг эндиликда енгил машиналарни ҳавас қилишаётгани қувонарлидир. Нима ҳам дердик, ўз эртасидан кўнгли тўқ инсонларга ҳар қанча ҳашам ярашади. Маҳаллий аҳоли рўзғоридан орттириб, қўша-қўша машина сотиб олаётган, кўркам ва замонавий иморатлар қураётган экан, шунинг ўзи юртимиздаги тўқчиликдан, фаровонликдан яна бир нишонадир. Савол туғилади: тинчлик ва аҳиллик барқарор бўлмаганда ҳозиргидек тўкис, саодатли кунларга эриша олармидик? Йўқ, албатта.

Истиқлол шарофати билан халқимиз чинакам рўшнолик кўриб, ўз миллий бойликларига ўзи эгалик қилмоқда, келажак сари шахдам одимлар ташламоқда. Барча соҳада эришилаётган ютуқларнинг сарчашмаси эса, юқорида таъкидланганидек, тинчлик ва осойишталикдир. Бинобарин, ушбу бебаҳо неъматни кўз қорачиғидек асраш, Ватанимиз барқарорлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим. Эл-юрт олдидаги фуқаролик бурчимиз ҳам шуни тақозо этади.

Ўзингдан қўймасин, тинчлик!







## Ёшлар форуми

*O`zLiDeP ташаббуси билан Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида Ёшлар форуми ўтказилди.*

*— Уни таъсирчан ва ҳақиқий байрамона руҳда, энг асосийси, ёшларимиз учун фойдали тадбир сифатида ўтказиш учун ҳамкорларимиз билан пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Убайдулла Астанов. — Фаолларимиз истироҳат боғига ташриф буюрган ҳар бир меҳмонга партиянинг мақсад ва вазифалари, ғоялари ва лойиҳалар хусусидаги маълумотлар мажмуасини ўзида акс эттирган буклетлар, кўргазмали тарқатма материаллари улашдилар.*

*Тадбир сўнгида форум доирасида ташкил этилган интерфаол ўйинларда ёшларнинг сиёсий билимларини синовдан ўтказиб, ғолиб ва иштирокчиларга O`zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.*

*— Форумни интеллектуал машғулотларга бой тарзда ўтказилиши унинг таъсирчанлигини янада оширди, — дейди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Козим Тожиев. — Ишончим комилки, ана шундай тадбирлар натижасида партиямиз сафига қўшилиш истагида бўлган ёшлар сафи янада кенгаяди.*

**Мансур АСЛОНОВ.**

# Излаган имкон топгани шу эмасми?!

**O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ва юзма-юз мулоқотлар ҳудудда тадбиркор аёллар сафи кенгайишида бош омил бўлаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида бундай тадбирларда 7 минг нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди**

**Ахроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, айниқса, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибр қаратаяпмиз, — дейди мазкур бўлим мудири Гулбаҳор Турдиқулова. — Тадбирларимизда партиянинг ғояларини тарғиб этиб, ишбилармон, салоҳиятли дугоналаримизни сафимизга чорлаётганимиз ўз самарасини бермоқда. Йил бошидан буён O`zLiDePчи хотин-қизлар сони 300 нафарга кўпайгани фикримиз далилидир. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари, корхона ва ташкилотлар, турли муассасалар қошидаги бошланғич ташкилотларга 112 нафар аёл етакчилик қилган бўлса, айни пайтда улар сони 136 нафарга етгани ҳам бежиз эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бўлим масъуллари янги иш бошлаётган хотин-қизларга молия муассасаларидан имтиёзли кредит олишда яқиндан кўмак бераяпти. «Мулкдор оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» каби партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, уларни ўтказишдан кўзланган мақсадлар таъсирчан тадбирларнинг асосини ташкил этмоқда. Натижада вилоятда партия лойиҳалари туфайли тадбиркор аёллар сони тобора ортиб бормоқда. Масалан, бувайдалик Дилноза Бекмирзаева «Миллий банк» туман филиалидан олган 20 млн. сўм кредит эвазига «Озодбек Бувайда Сервис», учкўприклик Дилноза Мавлонова ОАТБ «Микрокредитбанк» туман филиалидан олган 9 млн. сўм кредит маблағига «Рухшона имкон», Ирода Рашидова 10 млн. сўм кредит эвазига «Морис Альба», Фурқат туманилик Шоира Эркабоева ОАТБ Халқ банки туман бўлимидан ажратилган 55 млн. сўм маблағ ҳисобидан «Аржуманбону Сардорбек» оилавий корхонасини очиб, ўз бизнесларини йўлга қўйдилар.

— Мен ҳам O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида қатнашгандим, — дейди Қўқон педагогика коллежи битирувчиси Мафтунахон Назарова. — Танловда ғолиб чиққач, «Агробанк»нинг 5 млн. сўмлик имтиёзли кредитига замонавий дастгоҳлар сотиб олиб, тикувчилик цехи очдим. Ҳозир 2 нафар дугонам билан ишлаяпман. Келажакда фаолиятимни янада кенгайтириш ҳисобига яна 10 та иш ўрни яратишни режалаштирганман. Излаганнинг имкон топиши шу эмасми?!

## «Гўзаллик салони»дан — модалар ательесига

Мунирахон Исомиддинова «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» партиявий лойиҳасининг Наманган вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритганида режалари тез рўёбга чиқиши мумкинлигини хаёлига келтирмаганди. Зеро, ОАТБ «Микрокредитбанк» филиалидан 6,8 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олган ёш тадбиркор қисқа муддатда «Гўзаллик салони»ни очиб, 3 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлади.

— Бу бошланиши, холос, — дейди Мунирахон. — O`zLiDeP лойиҳасида иштирок этиб, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйганим менга қанот бағишлади. Ҳозир янги бизнес-режа устида бош қотираяпман. Агар уни ҳаётга татбиқ эта олсам, модалар ательесини ташкил қилган ҳолда яна 5 кишини ишли қилишим мумкин.

## Феруза дугоналарини иш билан таъминлади

Наманганда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоят босқичи якунланди.

— Ўтган йили 75 нафар иштирокчига жами 350 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилганди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мусохон Юсуфжонов. — Бу йил эса 100 нафар битирувчига молия муассасаларидан 550 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олишга йўналтирилган сертификатлар тақдим этилди.

Учқўрғон туманидаги педагогика коллежи битирувчиси Феруза Ҳасанбоева мазкур лойиҳа ғолибларидан бири. Паррандачилик йўналишида ўз бизнесини йўлга қўйишни мақсад қилган Феруза ОАТБ «Микрокредитбанк» филиалидан 4,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олди.

— Истиқлол байрами арафасида бу менга энг зўр совға бўлди, — дейди ёш тадбиркор қиз. — Иш билан таъминланган икки нафар дугонамнинг ҳам шодликлари чексиз.

# Кечаги битирувчининг бугун хусусий корхонаси бор

**Жорий йилнинг биринчи ярмида банклар томонидан касб-ҳунар коллежи талабаларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 76,8 млрд. сўм, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баравар кўп кредит ажратилиши натижасида 8,5 мингга яқин битирувчининг бандлиги таъминланди**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Республика Марказий банки томонидан ўтказилган «Таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес ғояси — банклар эътиборида» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шу рақамлар алоҳида тилга олинди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу йил молия муассасалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 7,5 трлн. сўм, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун 8 трлн. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратиши белгиланган. Шунингдек, банклар «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Унга кўра, ёшларни кичик бизнесга жалб этиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этилиб, республикамиздаги ҳар бир коллежга бириктирилган банк ходимлари томонидан минглаб оилаларга кредит ва грантлар олиш юзасидан турли маслаҳатлар берилди.

— Коллежда ўқиб юрганимда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ёрдамида ўз бизнесини бошлаган ёшларни кўриб ҳавас қилардим, — дейди «Model poyabzal» корхонаси раҳбари, ёш тадбиркор Абдулҳамид Аҳмаджонов. — Ана шу ҳавас коллежни битирганимдан сўнг эзгу мақсадга айланди. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган МЧЖ ташкил этишга қарор қилдим. «Микрокредитбанк»нинг 25 млн. сўм миқдоридаги кредитига замонавий технология ва хом ашё харид қилдим. Наманган шаҳри ва Уйчи туманида 4 та пойабзал сотиш дўконини ишга туширдим. Қисқа муддатда банк кредитини қайтариб, яна 259 млн. сўмлик сармоя олишга эришдим ҳамда фаолиятимни кенгайтирдим. Бу эса ойлик айланма маблағимни 50 млн. сўмга етказиш имконини берди.

— Кечагина коллежни битирган бўлсам, бугун хусусий корхона эгасиман, — дея суҳбатга қўшилди «Косон ҳамкор сервис» масъулияти чекланган жамият раҳбари Исломбек Абдуназаров. — Қарши иқтисодиёт коллежида Марказий банк ходимлари билан бўлган учрашувда бизнес-режам билан иштирок этгандим. Лойиҳам маъқул келди ва менга қисқа муддатда пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган технология сотиб олиш учун 50 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Айни пайтда ойига 350-400 минг дона сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамнинг соф фойдаси ойига 3-3,5 млн. сўмни ташкил этади.

Ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажагини яратиш йўлидаги изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам ошириш, инновацион лойиҳаларни хусусий сектор фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида банклар жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— O`zLiDeP ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида жами 1530 нафар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиси, тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар иштирок этди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимжон Алимов. — Шулардан 970 нафар бизнес лойиҳа эгаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, ўқув-семинарларда бўлажак ёш тадбиркорларнинг бизнес-режаларидаги камчиликлар тижорат банкларининг малакали мутахассислари томонидан тўлиқ ўрганилиб, уларга тегишли тавсиялар берилди.

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

*«Неъматнинг қадри у йўқолганда билинади».*

***Абу Райҳон БЕРУНИЙ.***

## Масъулият ва бурч

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш зиммамизга катта масъулият юклайди. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP гуруҳи ўз фаолиятини ана шу юксак талаб даражасида йўлга қўйиш учун бор имкониятларини ишга солиб, асосий эътиборни ўтказилаётган сессияларга ҳудудлардаги долзарб масалаларни киритиш ва уларнинг ижобий ҳал этилишини назорат қилишга қаратмоқда. Жумладан, халқ депутатлари вилоят кенгашининг 51-сессиясида давлатимиз раҳбарининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани хусусида вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Ў.Ҳамроевнинг ҳисоботи тингланди ва унинг якуни бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Шу тариқа мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг вилоятдаги «Афсона гилам» қўшма корхонаси, «Илҳом чарм сервис» МЧЖ, «Субҳизари Бухоро» ва «Мумтозбегим» хусусий фирмалари сингари ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ўрганиб чиқилганлиги бир қатор субъектлар фаолиятини янги босқичга кўтариш имконини берди.

Шунингдек, жорий йилнинг 31 июлида ўтказилган навбатдаги сессия кун тартибига O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди. Ушбу қарор O`zLiDeP электоратининг катта қисмини ташкил этувчи фермерлар фаолияти билан бевосита боғлиқ экани сабаб ушбу масалага гуруҳимиз аъзолари алоҳида эътибор қаратдилар ва электорат манфаатларига мос қарор қабул қилинишига эришдилар.

Шу ўринда депутатлик сўрови ва назоратини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки ўз вақтида ўтказиб келинаётган депутатлик гуруҳи йиғилишларида мутасадди ташкилотлар ва маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ҳисоботларини тинглаш амалиётидан кенг фойдаланаяпмиз. Масалан, Бухоро шаҳридаги «60-Хўжамушкин» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув чоғида билдирилган ҳақли эътирозларни инобатга олиб, шаҳар ҳокимлигига юборилган депутатлик сўрови ижобий ҳал этилди.

Лекин айрим мутасаддиларнинг депутатлик сўровига ўз вақтида муносабат билдирмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунда биз — депутатларнинг ҳам айби бор. Зеро, қонунлардан белгиланган даражада фойдалана олмаяпмиз.

Мухтасар айтганда, депутатлик жуда катта масъулият. Шунга яраша ваколат ва имтиёзлари ҳам бор. Гап улардан умумманфаат йўлида фойдалана билишдадир. Сайловчиларнинг қувонч-ташвишлари, орзу-умидлари билан ҳамнафас фаолият кўрсатадиган депутатларгина уларнинг юксак ишончини оқлай оладилар.

**Ғулом ОРТИҚОВ,**
**халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси.**

# Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 21-avgust, payshanba, 33 (561)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



## Оилавий бизнесга алоҳида эътибор

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ҳамда бир гуруҳ бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигида бизнесга интилаётган аёллар учун «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ташкил этилди.

Андижон давлат университетида ўтказилган мазкур тадбирда хотин-қизларга тилга олинган лойиҳа доирасида тижорат банкларидан сармоя ажратилишига кўмаклашиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қатнашчиларга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, имтиёзлар ва преференциялар хусусида маълумотлар берилди. Шунингдек, тингловчилар бошловчи ишбилармонлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, амалдаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик борасида зарур билим ва ахборотларга эга бўлдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу семинар ҳам моҳият-эътибори билан «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминланишига хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Меҳр-мурувват ва ғамхўрлик ифодаси

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари қутлуғ сана — Истиқлол айёмига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилишига бош-қош бўляптилар. Чунончи, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказида рўйхатдан ўтган қуйи бўғин фаоллари ёлғиз ва эҳтиёжманд кексалар учун хайрия тадбири уюштирдилар. «Аҳмад Яссавий», «Обод», «Иброҳим ота», «Дўстлик», «Чуқурсой» ва бошқа маҳаллаларда яшовчи нуронийлар тўкин байрам дастурхони атрофида тўпландилар.

Партия туман кенгаши раиси ўринбосари Сожида Обидова, БПТ етакчиси Озода Сулаймонова мустақилликни кўз қорачиғидай асраш ва янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканлигини таъкидладилар. Тадбир ниҳоясида мўътабар ёшга етган инсонларга байрам совғалари улашилди.

## БПТ мурожаати мутасаддиларни ҳаракатга келтирди

**O`zLiDeP қуйи бўғинларининг жамоатчилик назорати бошланғич механизми сифатидаги роли тобора кучаяётганлиги аниқ амалий ишларда яққол кўзга ташланаётир**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»



«...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 июндаги «Фарғона вилоятини 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида»ги 178-сонли йиғилиш баёнининг 2.3-бандида Бағдод туманидаги 11 та қишлоқ ҳудудида жами 14 км. масофадаги ички хўжалик йўлларини таъмирлаш бўйича 2,1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган. Бугунги кунгача Фарғона йўл-лойиҳа институти билан шартнома тузилиб, лойиҳа-смета ишлари амалга оширилган ва ўтган йил июль ойида Бағдод тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан тегишли ҳужжатлар республика Йўл жамғармаси экспертиза бўлимига тақдим этилган. Бироқ шу кунгача молиялаштириш ишлари амалга оширилмаган».

Ушбу сатрлар Бағдод туманидаги инновацион лойиҳалар билан шуғулланувчи «Шарқ» хусусий корхонаси раҳбари, БПТ раиси Ғайрат Йўлдошевнинг O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасига йўллаган расмий мурожаатидан олинди. Кўриниб турибдики, қуйи бўғин етакчиси муҳим масалани кўтарган. Зеро, мутахассис бўлмаганлар ҳам биладики, йўллар яхши бўлса, ҳудуд инфратузилмаси янада ривожланади, хўжаликлар, ташкилотларнинг иш унумдорлиги ортади, хуллас, барча ижобий жиҳатларни санаб чиқиш қийин.

Маълумки, O`zLiDeP Ҳаракат дастурида партия Ўзбекистоннинг ҳар томонлама равнақ топиши, фуқароларнинг турмуш даражаси ўсишидан манфаатдор бўлган мулкдорлар қатлами номидан сиёсий саҳнага чиққан куч сифатида мамлакатнинг тараққиёт ва фаровонлик сари интилишида учраётган тўсиқларни бартараф этишда масъулиятни ўз зиммасига олиши белгилаб қўйилган. Шу маънода партия таянч тузилмаларининг юқоридаги каби саъй-ҳаракатлари O`zLiDeP дастурий мақсадлари рўёбига ҳисса бўлиб қўшилаяпти, десак тўғри бўлади. Қолаверса, БПТнинг электорат вакиллари ва партия ташкилоти ўртасида кўприк эканлиги айнан шу каби амалий ишларда ҳам яққол кўзга ташланяпти.

> **«...шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, фақат марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда албатта ўз аъзолари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, ҳар қандай партия сиёсат саҳнасидан тушиб кетади. Ўйлайманки, сиёсий партияларнинг раҳбарлари бу гаплардан тўғри хулоса чиқарадилар».**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

Бошланғич ташкилот етакчисининг мурожаати асосида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармасига масалага ойдинлик киритиш хусусида расмий хат йўлланди. Жамғарма директори ўринбосари Ш.Даулетяров имзолаган жавобда эса амалдаги қонунларга биноан муаммонинг ечими маҳаллий ташкилотларга боғлиқ экани маълум қилинган: «... Баённоманинг 3- ва 4-иловаларида кўрсатилган автомобиль йўллари Фарғона вилояти Ободонлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлимлари балансида эканлигини инобатга олиб, вилоят аҳоли пунктларидаги ички хўжаликлараро йўлларни жорий ва тўла таъмирлаш ишларига маблағ лимити маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилишини билдирамиз».

Шу тариқа масаланинг ечими маҳаллий ижроия ҳокимиятига келиб тақалди. Ғ.Йўлдошев тумандаги тегишли мутасаддилар билан яна бир бора учрашгач, бу саволга ҳали аниқ жавоб йўқ, деган хулосага келди. Лекин партия Бағдод туман кенгаши раиси ўринбосари Равшан Йигиталиевнинг айтишича, бошланғич ташкилот ва депутатларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур масала туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган. Бундан, яқин йилларда муаммо ҳал қилинади, деган фикрга келиш мумкин.

Ҳар ҳолда, эртами-кечми зарур маблағлар ажратилар, йўллар асфальтланар. Бироқ биз айтмоқчи бўлган гап бошқа ёқда. Яъни, масалага партиявий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, БПТлар жамоатчилик назорати амалга оширилишида бошланғич ва самарали механизм вазифасини ўтаётганлари, кўплаб масалаларга мутасадди ташкилотлар, партия кенгашлари ва депутатлар диққатини жалб қилаётганларига ишонч ҳосил қиламиз. Бу борада юқоридагига ўхшаш кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Чунончи, ўтган бир ярим йил мобайнида халқ депутатлари Бағдод туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 35 та депутатлик сўрови юборилиб, 8 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, 2 маротаба назорат-таҳлил текшируви ўтказилди. Уларнинг аксарияти бевосита БПТларда кўтарилган масалалардир. Бундан ташқари қуйи бўғинлар ташаббуси билан ўтказилган очиқ мулоқотлар чоғида моҳият-эътибори билан аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган 120 дан зиёд ариза, мурожаат, таклиф ва тавсия билдирилганлиги, уларнинг қарийб 100 таси ҳал қилингани Бағдод туман кенгашида O`zLiDeP фаоллари электорат ишончини оқлаш учун бор имкониятларини ишга солаяптилар, деган хулосага асос бўла олади.

## Фаолликка даъват



O`zLiDeP Ховос туман кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан туркум тадбирлар ўтказишда давом этаяптилар. Жумладан, Ховос темир йўл касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган жонли мулоқот «Кучли ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида» мавзуига бағишланди. Коллеж директори К.Бобожонов Президентимиз томонидан илгари сурилган стратегия мамлакатимизни юксак тараққиёт йўлига олиб чиққанлигини, пухта ўйланган ислоҳотлар ҳозирги тинч ва фаровон ҳаёт учун мустаҳкам замин яратгани хусусида маъруза қилди.

Партия туман кенгаши БПТлар билан ишлаш консультанти Б.Алимов ўз сўзида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари O`zLiDeP аъзоларини мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиш, ўз электорати манфаатларини ифодалаш, аҳолининг юксак сиёсий маданиятини шакллантиришда иштирок этишга даъват қилаётганлигини таъкидлади.

## «Ҳасан-Ҳусан-Ширин»



1990 йилда республикамиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўштнинг — 50, сутнинг 60 фоизи, шакарнинг барчаси четдан келтирилган. Бугун эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги туфайли аҳолининг асосий истеъмол молларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминланмоқда. Хусусан, бошоқли дон етиштириш ҳажми 24 йил аввал 2 млн. 38 минг тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилда 8 млн. 50 минг тонналик улкан хирмон бунёд қилинди.

Оқолтин туманидаги «Ҳасан-Ҳусан-Ширин» фермер хўжалигида иш юритаётган БПТ фаоллари саъй-ҳаракати билан ўтказилган давра суҳбатида иштирокчилар қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирган ана шундай рақамлар айтилди. O`zLiDeP туман кенгаши раиси Э.Юсупов ва қуйи бўғинлар етакчилари қишлоқ мулкдорлари манфаатлари ифодаланишида партия фаоллари иштирокини кенгайтириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Биз танлаган йўл»



O`zLiDeP Муборак туман кенгаши ва корхонадаги БПТ ҳамкорлигида «Муборак пахта тозалаш» ОАЖда мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати ана шундай деб номланди. Унда депутатлар, қуйи бўғинлар раислари, маҳаллалар фаоллари иштирок этдилар.

Мулоқотда байрам арафасида тумандаги ҳар бир маҳалла ва таълим муассасаларида шундай тадбирларни ташкил этиш, одамларга ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни жамиятимизга ёт оқимлар таъсиридан асраш O`zLiDeP фаоллари, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга мусоҳабада сайлов кампаниясида БПТларнинг фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш борасида амалий таклифлар ўртага ташланди. Анжуман сўнгида 15 нафар ишчи-хизматчи партия сафига қабул қилинди.

**С.ИКРОМОВ.**

## Тўйтепадаги ёш либераллар

**«Тўйтепа металл қурилмалари» корхонасида иш олиб бораётган БПТ 250 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Ушбу қуйи бўғин Ўртачирчиқ туманидаги энг фаол таянч тузилмалардан бири ҳисобланади**

— Аъзоларимизнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Бу эса навқирон авлод вакиллари ўртасида партия нуфузи ортиб, уларнинг либерал ғояларга қизиқиши кучайиб бораётганидан далолатдир, — дейди БПТ етакчиси Б.Ортиқов. — Яқинда ишчи-хизматчилардан яна 10 нафар йигит-қиз O`zLiDeP сафига ўтиш истагини билдирди. Юзма-юз суҳбатлашгач, уларнинг хоҳиш-интилишлари замирида ягона мақсад, яъни ҳар томонлама юксак тараққий этган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам эканига ишонч ҳосил қилдик.

Ташкилот аъзоларининг сони тобора кўпаяётгани бошланғич бўғин томонидан изчиллик билан олиб борилаётган тарғибот ишлари самарасидир. Чунончи, яқинда «Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг ғояларидаги фарқлар» мавзуида жонли мулоқот ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти таҳлил қилинди, уларнинг ғояларидаги тафовутлар шарҳланди. Шунингдек, O`zLiDeP дастурий ғояларини амалда татбиқ қилиш йўллари ва воситалари хусусида тушунтириш берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

*«Агар сендан сўрасалар: — саховатпешалик нима?*
*Амалдаги оқиллик, — деб жавоб бер».*

***ПИФАГОР.***

**«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, ПОЙДЕВОРИДИР. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛГАН ПАРТИЯНИНГ ҚУЙИ ТУЗИЛМАСИДИР.**
**БПТ ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭГА БЎЛГАН, ПАРТИЯВИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ВА БОШҚА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХСЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ.»**

O`zLiDeP Уставидан.

«XXI ASR» 2014-yil 21-avgust, payshanba, 33 (561)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Партия нуфузини етук кадрлар белгилайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бунда Сиёсий таълим марказлари томонидан ўтказилаётган ўқувлар ва назарий машғулотларни янада малакали ташкил этиш, уларда партиядан сайланган депутатларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришиш даркор, албатта. Шунинг учун ҳам қарийб 10 йиллик фаолияти давомида марказимиз асосий эътиборни давлат ва жамият олдида турган долзарб масала — сиёсий етук кадрларни шакллантиришга қаратиб келмоқда.

Пировард мақсад эса партия нуфузини кўтариш, O`zLiDeP ғояларини қўллаб-қувватловчилар сонини кўпайтиришдан иборатдир. Сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида партия фаоллари, электорат вакиллари ва тарафдорларини илмий-услубий қўлланмалар, мафкуравий адабиётлар билан таъминлаш ҳам олдимизда турган энг долзарб вазифалар сирасига киради. Шунингдек, партиянинг ваколатли ва ишончли вакили ҳамда кузатувчиларини танлашда ҳудудларда ўтказилган ўқувларда фаол иштирок этган, сиёсий билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган кадрларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Шу кунга қадар ўтказилган машғулотларда 5000 нафардан ортиқ маҳаллий кенгаш депутатлари, захирадаги номзодлар, БПТ раислари, партия фаоллари иштирок этгани бунга мисол бўла олади.

«Партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда БПТларнинг ўрни» мавзуида ўтказилган давра суҳбатларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этиш даврида қуйи ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, партияга янги ишга қабул қилинган масъул ходимлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари ва БПТ раислари учун «Партия қурилиши соҳасидаги долзарб вазифалар» мавзуида ўтказилган ўқув-семинарларда эса «Кўппартиявийлик шароитида давлат бошқаруви ва жамият сиёсий тизимини шакллантиришда сиёсий партияларнинг вазифалари», O`zLiDeP тузилмаси, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларидаги бошқарув лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўқувларни вилоятнинг чекка ҳудудларида ташкил этиш тажрибаси ҳам кенг қўллаб келинмоқда. Ҳар томонлама етук кадрларни танлаш, уларга давлат ва жамият қурилиши назарияси, миллий манфаатларимиз мазмун-моҳиятини чуқур ўргатишга эътибор қаратилаётир. Ўқувларда фаол иштирок этаётганлар кадрлар захирасига олинмоқда.

**Дилором АЗИЗОВА,**
**O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Кичик бизнесга катта эътибор

**Бугунги кунда иқтисодиёт таянчига айланган хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш тижорат банклари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Молия бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаб келаётган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида ушбу секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда**

Ҳозирги кунда мазкур банк ўзининг 26 та филиали ва 101 та минибанки орқали 1,4 миллиондан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг июль ҳолатига банк кредит қўйилмалари ҳажми 2380,7 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 1827 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга 707,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Эътиборлиси, сармояларнинг салмоқли қисми хусусий тадбиркорлик тузилмаларига тўғри келмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 498,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга кичик корхона, микрофирма ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга 31,4 млрд. сўм, ёш оилаларга бизнес фолиятини йўлга қўйиш учун 2,4 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда дастуриламал бўлаётир. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми 101,6 млрд. сўмга етди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари очилиб, аҳолининг бандлиги таъминланмоқда.

Бунга ҳамоҳанг тарзда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳам банк томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 119,1 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилгани фикримиз далилидир. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда мазкур тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан биридир. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида шу мақсадга банк томонидан 4,4 млрд. сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Миллий иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 4,6 млрд., хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 74,5 млрд., тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга эса 44,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига тақдим этилган кредитлар 6,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ушбу маблағлар нафақат Тошкент шаҳри ёки вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари зич жойлашган чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани эътиборга моликдир. Бунда маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаряпмиз, – дейди Марғилондаги «Fayzli xonadon mebeli» ХК раҳбари Ўткирбек Нишонов. — Бунда бизга «Асака» банк молиявий жиҳатдан камарбаста бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда. Шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида «Асака» банк Марғилон филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатда кўриб чиқилиб, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада маҳаллий хом ашё асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқарила бошланди. Энг асосийси, 10 та янги иш ўрни яратилиб, шунча касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банк томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобидан 5795 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтириладиган кредитлар миқдори 855,6 млрд. сўмга етказилиши режалаштирилган. Бу мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини кўрсатади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Тадбиркорнинг келишини кутиб ўтирганимиз йўқ

**Юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, бозор пештахталарини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Шу боисдан жойларда ишбилармонлар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, истиқболли лойиҳалларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда**

**Хушнуд НАЗАРОВ,**
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм филиали директори



Бу жараёнда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси катта роль ўйнамоқда. Хусусан, жамғарманинг Хоразм вилоят филиали томонидан ҳам кўплаб хайрли ишларга қўл урилаётир. Жумладан, жорий йилнинг январь-май ойларида 15 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ҳуқуқий, ташкилий хизматлар натижасида умумий қиймати 1,1 млн. АҚШ доллари миқдорида тиббиёт асбоб-ускуналари, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, трикотаж, тўқимачилик маҳсулотлари ва туристик хизматлар экпорт қилинди.

Маълумки, савдо-сотиқ масалалари бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспортбоп маҳсулотларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш, уларни ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчи объектларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш бозор иқтисодиётининг асосий талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамғарма мутахассислари бу масалага алоҳида ёндашмоқдалар. Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, талаб этиладиган тегишли лицензиялар, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалаларида тадбиркорларга юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш ҳам жамғарманинг асосий вазифаларидандир.

Таъкидлаш жоизки, жамғарманинг Хоразмдаги филиали жамоаси тадбиркорларнинг келишини кутиб ўтирмасдан, балки хизмат турларини кенг миқёсда тарғибот қилиш мақсадида вилоятдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортга етказиб бериш имкониятига эга бўлган корхоналарга бориб, уларнинг мавжуд муаммолари ўрганилмоқда. Шунга асосан камчиликлар биргаликда бартараф этилиб, тадбиркорларнинг ўз маҳсулотлари билан чет эл бозорига чиқиш имкони вужудга келмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда жамғарма ёрдамида тадбиркорларнинг экспорт географияси кенгайиб боряпти.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда экспорт қилиш имкониятига эга корхоналар таҳлил қилиниб, уларнинг фаолияти қайта кўриб чиқилди. Халқаро тендер савдоларида, кўргазма ва ярмаркаларда уларнинг иштирокини ташкиллаштириш бўйича тузилган рўйхат вилоят тижорат банкларида ташкил қилинган «Тадбиркорлар бурчаги»да доимий равишда эълон қилинаётир.

Бир сўз билан айтганда, Хоразмда ҳам хусусий сектор вакилларининг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига аниқ ёрдам кўрсата оладиган жамғарма ўз фаолиятини замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бормоқда. Мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

## ҚУТЛОВ




## ЭЪЛОН

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

— ариза (намуна бўйича);

— инвестиция таклифи (намуна бўйича);

— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.




БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ
Ватанимиз салоҳияти, халқ фаровонлиги учун фидойилик кўрсатаётган барча юртдошларимиз ва ҳамкорларимизни қутлуғ сана —
МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИГА 23 ЙИЛ
тўлиши муносабати билан самимий қутлайди.
Юртимиз аҳолисига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, осойишталик, порлоқ келажагимиз йўлидаги яратувчанлик ишларида улкан зафарлар йўлдош бўлишини тилаймиз.
GAZGA QARSHI HIMOYA VOSITALARI
Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам ватандошлар!

«XXI ASR» 2014-yil 21-avgust, payshanba, 33 (561)-son,
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Мактаб бозорларига марҳамат!



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ота-оналар ва ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ўнлаб мактаб ярмаркалари ташкил этилди. Уларда шаҳарда фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар, пойабзаллар, мактаб формалари, сумкалар, ўқув қуролларидан иборат 26 номдаги сифатли ва арзон маҳсулотлар сотувга қўйилган.

— Ота-оналар бу қулайликлардан мамнун, — дейди 6-умумтаълим мактаби директори Замира Давидова. — «Grand Kibo» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилган болалар пойабзаллари тоза чармдан тайёрланиши боис кўпга чидайди, оёқни чарчатмайди, истеъмолчилар ишончини қондириши аниқ. Табиий матолардан тайёрланган либосларнинг ранги, тикилиш усули барчага манзур бўлмоқда. Бундай либослар фарзандларимизни мактаб нуфузини янада кўтаришга руҳлантиради. Зеро, инсоннинг қалби ҳам, либоси ҳам гўзал бўлиши керак, дейдилар-ку!

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Иш қидираётган III гуруҳ ногиронларига амалдаги қонунчилигимизда қандай имтиёзлар бор? Шу ҳақда тўликроқ маълумот берсангиз.**

*Бахтиёр Иботов, Қашқадарё вилояти, Ғузор қишлоғи».*

**Ушбу саволга ҳуқуқшунос И.Яманкулов жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» қонуни 7-моддаси ва Меҳнат кодексининг 68-моддасига асосан давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, ногиронларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, жумладан, ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, уларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан таъминланади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонуннинг 25-моддасига кўра, ходимларнинг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 50-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Сизни ишга жойлаштириш асоссиз равишда рад қилиниб, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларингиз бузилса, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига ёки прокуратура органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

## Келажакка сармоя

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бундан фақат оқилона фойдаланишимиз ва унга яраша ўз меҳнатимиз, тайёр маҳсулотимиз билан жавоб қайтаришимиз керак, холос.

Мулоқотда вилоятнинг барча туманларидан келган фермерлар, тадбиркорлар ва партия фаоллари мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталар эканлар, юртимизда ҳар бир инсон, ҳар бир оила кучли ижтимоий ҳимояга олингани, айниқса, ўсиб келаётган ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун жуда кенг имкониятлар яратиб берилганини фахр билан гапирдилар. Хусусан, Тошкент вилоятида 100 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи бўлиб, уларни йилига 10 мингдан ортиқ ёш турли йўналишлар бўйича тамомлаб, касбни эгаллаган ҳолда ишга жойлашаётгани ва уларга мураккаб техника ва технологик линиялар ишониб топширилаётганини таъкидладилар. Кўплаб ёшлар коллежларни тугаллаганларидан сўнг партиянинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўзларининг мустақил бизнесларини йўлга қўйишаяпти. Масалан, биргина Олмалиқ шаҳрида бугунги кунда беш юздан ортиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлса, шунинг қарийб 150 дан ортиғини ҳали 30 ёшга тўлмаган ёшлар бошқармоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вилоят, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа минтақалари аҳолисига етказиб беріляпти.

Ҳозир вилоятимизда 7 мингга яқин фермер хўжалиги, 20 мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларни оталари ва ака-опалари сингари навқирон авлод вакиллари ҳам бошқармоқда, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Дилноза Дарвешова. — Эътибор берсангиз, ёшларимиз бугун хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ тадбиркорлик, идора ишларида бўлсин, шижоат билан интилаётганини кўрасиз. Бу ҳам истиқлолнинг ёшлар учун яратиб берган имконияти намоёнидан далолатдир. Бундан унумли фойдаланаётганлар давлатимизнинг эътиборидан четда қолмаяпти. Улар орасида Зулфия мукофоти совриндорлари, депутатлар, илғор фермер ва тадбиркорлар бор. Ахир шу эмасми, жаҳонда ўз ўрни, салоҳиятига эга бўлган мустақил юртнинг ёшлар ва уларнинг келажаги учун олиб бораётган одил сиёсати?! Бу ҳар бир ёшнинг, қолаверса катта-ю кичикнинг кўнглида фахр, қувонч туйғусини жунбушга келтиради.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**

## Дарахтдан дизель ёнилғиси

Бразилиянинг тропик ўрмонларида ўсадиган «Copaifera langsdorffii» дарахтнинг ширасини дизель ёнилғи ўрнида ишлатиш мумкинлиги ҳақида эшитганмисиз? Йилига 50 литргача ёнилғи «ишлаб чиқарадиган» ушбу дарахтни ўстириш унчалик фойда келтирмаса ҳам, бироқ маҳаллий фермерлар ундан боғ барпо қилиб, харажатларининг бир қисмини қопламоқдалар.

## Термитлар Прасадани хонавайрон қилди

Ҳиндистоннинг Бихар штатилик трейдер Дварики Прасада термитлар туфайли бор мол-мулкидан айрилди.

Гап шундаки, банк ячейкасида сақланаётган жамғармаларини ушбу митти ҳашаротлар еб қўйган. Прасаданинг айтишича, бор маблағини банк сейфида сақлашни тўғри деб билган ва у ерга қимматли қоғозлар ҳамда тилла тақинчоқларни ҳам қўйган. Оқибатда эса ячейкани очганида чанг ва қоғоз қолдиқларидан бўлак ҳеч нарса топмаган.

«Мен хонавайрон бўлдим. Нима қилишни билмаяпман. Бу пулларни қаричиликка сақлаб қўйган эдим» — дейди Дварики.

Банк мутахассисларининг таъкидлашича, термитлар ҳақида мижозлар олдиндан огоҳлантирилиб, жамғармаларини сейфлардан олиб кетиш тавсия қилингани боис уларга ҳеч қандай товон тўланмайди.

## Ван қандай қилиб бойиди?

Хитойлик 33 яшар Ван исмли фермернинг ҳаёти юз минглаб тенгдошлариникидан сира қолишмайдигандек туюлиши мумкин. Бироқ етти ёшида ёнғин туфайли иккала оёғидан ажралган мулклор ўз ўрнини топгунча анча машаққатлардан ўтди.

Ўқишни тамомлолмагани учун бирон касбни эгаллай олмаган Ван аввалига этикдўзлик, қулфларни тузатиш билан шуғулланди.

Бу етарли даромад келтирмагач, чорвачилик, аниқроғи, қўй боқишга киришди ва бунинг уддасидан чиқди. Ота-онаси ҳамда ҳукумат ёрдами билан Ван ён-атрофдаги энг бой ва ҳурматли инсонга айланди.

Унинг фермаси ҳозир гуллаб-яшнамоқда.

**Д.ҲАБИБОВА тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА



TURON BANK

## «Туронбанк» ОАТБ — халқаро мукофот соҳиби

**Италия пойтахти — Римда «The New Era Award for Technology, Innovation and Quality» («Технологиялар оламидаги янги давр мукофоти. Янгиликлар ва сифат») номли халқаро танлов якунларига бағишлаб ўтказилган маросимда «Туронбанк» очиқ-акциядорлик тижорат банки «Инновацияларни амалга ошириш» йўналиши бўйича тақдирланди**

Танлов таъсисчилари («Otherways Management & Consulting Association») унда иштирок этган ташкилот ва муассасаларни қўлга киритган ютуқлари, янгилик ҳамда имкониятлардан кенг фойдаланиш борасидаги саъйи ҳаракатларини юқори баҳолаб, совриндорларга, шу жумладан, «Туронбанк» ОАТБга «The New Era Award» ҳайкалчаси ҳамда «Top Quality Customer Satisfaction» сертификатини топширди.

«Туронбанк»нинг мазкур тадбирда иштирок этган вакиллари эса унинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, кўрсатилаётган хизматлар ҳамда фойдаланилаётган технологиялар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Таъкидлаш жоизки, «Туронбанк»нинг халқаро миқёсдаги ушбу эътирофи унинг сифат кўрсаткичларни доимо ошириб бораётганидан ҳамда молия бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Банкларимиз томонидан қўлга киритилаётган ана шундай ютуқлар мамлакатимиздаги барча молия муассасаларини янада фаолроқ бўлиш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини оширишга чорлаши аниқ.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 31 мартда 007328-05-рақам билан рўйхатдан ўтган, Тошкент шаҳри, Шифокорлар шаҳарчаси 13/137-уй манзилида жойлашган, ИНН рақами 302887224 «ASILBEK SIFAT QURILISH» МЧЖ 2014 йил 15 августдаги 6-сонли аризага асосан тугатилад. Даъво ва аризалар эълон матни чоп этилганидан сўнг икки ой муддат ичида (+99890) 925-58-02 телефони орқали қабул қилинади.

РЕКЛАМА

XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

Халқаро рейтинг агентлиги
2014 йил август ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг

Халқаро кредит рейтингини

B+/B
Барқарор

даражасида қайта тасдиқлади

РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ. Сайфулла ИКРОМОВ. Шаҳзод НАЗАРОВ. Муҳаббат РАВШАНОВА. Носир ТОШЕВ. Шухрат ХЎЖАЕВ. Маркс ЮСУПОВ. Акбар МУЗАФФАРОВ, Беҳзод ИСРОИЛОВ, Наргиза ҚАҲҲОРОВА, Шухрат РАҲИМОВ, Солижон ЗОИРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент. Нукус кўчаси. 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com. xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАЖАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 698 Тираж: 11171
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.